



ЎЗБЕКИСТОНГА ЙИРИК ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ СУРЪАТИ ТОБОРА ЎСИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
29 май куни Мисрнинг «Orascom Investment Holding»
компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.



Мисрнинг етакчи инвестиция-саноат корпорацияси раҳбари олий даражадаги келишувлар доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди. Учрашувда компаниянинг Ўзбекистонда қўшма «Йўл харитаси» доирасида қиймати 1,2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари кўриб чиқилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва металл конларини ўзлаштириш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини

барпо этиш ва бошқариш, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

ХИТОЙ БОЗОРИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ОЧИЛДИ

Мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикаси (ХХР)даги элчихонаси Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда маҳаллий маҳсулотларни Хитой бозорига олиб кириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18-19 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, мамлакатимиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Хитой Божхона бош маъмурияти ўртасида «Ўзбекистондан Хитойга узум экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисидаги баённома» ҳамда «Ўзбекистондан Хитойга Парранда гўштини етказиб беришда карантин ва ветеринария-санитар талаблари тўғрисидаги баённома» имзоланди.

Хитой мамлакатга импорт қилинадиган товарлар устидан қаттиқ назоратни амалга оширади, импорт қилувчилар/ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларни текшириш учун назорат остида карантин рухсатини беради. Баённомаларда санитария, ветеринария ва фитосанитария талаблари аниқ белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистондан ушбу мамлакатга экспорт қилинаётган узум ва музлатилган товуқ оёқлари ХХРга импорт қилинадиган фитосанитария ва ветеринария талабларига, шунингдек, Хитойнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва



гигиена стандартларига жавоб бериши керак.

Маҳсулотларни экспорт қилишга фақат Хитой фитосанитария хизмати реестрига киритилган корхоналарга рухсат этилади. Бу эса Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига тегишли.

Имзоланган баённомалар билан

тадбиркорлар учун Хитойга экспорт ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчи ва фермерлар даромадини кўпайтириш учун янги имкониятлар очилмоқда. Қайд этилишича, ўзбек экспортёрлари ўз маҳсулотларини Хитой бозорига етказиб беришдан максимал даражада фойда олиш учун барча имкониятни ишга солишлари керак.

«Дунё» АА.
Пекин

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА МУАММОЛАРГА ТЕЗКОР ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Халқ билан мулоқот қилиш ва маҳаллабай ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, жойларда учраётган муаммоларга тезкор ечим топиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Республика ишчи гуруҳининг оммавий қабули бўлиб ўтди.

Жараён

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурор, ички ишлар вазирлиги, шунингдек, Солиқ қўмитаси, Президент Халқ қабулхоналари ва бошқа вазирлик, идоралар раҳбарлари иштирок этиб, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятлари аҳолисининг муурожаатларини ашитди.

Ҳар бир муурожаат белгиланган тартибда рўйхатга олинди, қонун доирасида ҳал этиш чоралари кўрилди. Оммавий қабулда адолат истаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва судьяларга муурожаат қилаётган фуқаролар ҳам кўпчилигини ташкил этди.

Қашқадарёлик Равшан Жовлиевнинг Олий суд масъулларига муурожаатидан сўнг ички ишлар идораларида ишлаб, 2021 йилда ноҳақ қамалган ўғли Максуд Жовлиевни оқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

— Адолат бор экан, Олий суд боламини оқлаб берди, — дейди Равшан Жовлиев. — Бугун бу ҳақидаги ҳужжатларни олдик. Олий суд раисига миннатдорлик билдириш учун қабулга келдим. Адолатни қарор топтирган раҳбариятга, судьяларга минг раҳмат! Самарқанд шаҳридаги «Farmshop»

оилавий корхонаси раҳбари Нурилло Абдумажидов пул тушуми бўйича назорат касса машинасидаги хатolik туфайли икки йилдан буён турли идораларда сарсон бўлаётгани, бундан тадбиркорлик фаолиятига зарар етётганини билдириб, Олий суд раисидан қўмақ сўради. Масала шу ернинг ўзида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, қабул давомида содир қилган жиноий қилмиши учун суд ҳукми билан жазони ўтаётган 19 нафар фуқаро қилмишидан гушаймонлиги, тегишли хулоса чиқарилгани, тузатиш йўлига қатъий ўтганлигини билдириб муурожаат қилди ва уларнинг жазоси енгилроғига алмаштирилди.

Тақдирлар турфа, масалалар ҳар хил, ammo ҳақиқат битта: муаммоси ҳал бўлган инсоннинг чиндан ҳам елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлади.

Бош прокуратура масъуллари билан мулоқотлардан сўнг иштирокчи Сайёра Шокированинг ҳам бағри бутун бўлди. Етказилган зарарни маълум муддатда қоплаш шарти билан аёлнинг 24 яшар ўғлига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилинди.



Сенат Кенгашида

ЯЛПИ МАЖЛИС КУН ТАРТИБИДАН ҚАТОР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ВА МАСАЛАЛАР ЎРИН ОЛГАН

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилган ялпи мажлисда қатор долзарб қонун ва масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган. Жумладан, «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандлиқни қисқартиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини я-

шиллага қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қонунлар ялпи мажлис кун тартибидан ўрин олган.

«Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга

оширганлик учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунлар ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот аштилди.

Мажлисда Сенатнинг қирқ биринчи ялпи мажлисининг 2023 йилнинг 1 июнь кунини қақриши тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси 2023 йил 1 июнь кунини соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 1 – 2 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Парламент назорати



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги И. Махаммовнинг Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавобини муҳокама қилди.

Замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш мақсадларида мажбурий рақобатбардошлигини оширишда, республика транспорт салоҳиятини ривожлантиришда ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамакатимизда мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солуви ҳуқуқий база яратилди ва доимий такомиллаштирилиб бормоқда. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун ҳам шулар жумласидандир. Мазкур Қонун билан автомобиль йўллари соҳасини бошқариш, йўлларнинг тоифалари, молиялаштириш, қуриш ва сақлаш масалалари батафсил тартибга солинди.

Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари билан янги вазибалар

ва чора-тадбирлар белгиланди. Бу соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш сезиларли даражада кўпайтирилди. Охириги беш йил давомида республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан жами 80531 км. автомобиль йўллари, 1265 та кўприк ва йўл ўтказгичлари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, йўл хўжалиги соҳасига халқаро молия институтлари маблағлари ҳам муваффақиятли жалб қилинмоқда. Хусусан, 2017 — 2022 йиллар давомида 880,4 млн. долларлик лойиҳалар амалга оширилган ҳамда 340 км. узунликдаги магистраль ва 374 км. узунликдаги маҳаллий аҳамиятга эга йўллар таъмирланиб фойдаланишга топширилган.

Соҳада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳам лойиҳалар амалга оширилмоқда.



ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

аҳоли фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади



Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, саноатда тузилмавий-технологик ўзгаришлар ҳамда рақобатбардошлиқнинг таҳлили, энергиядан фойдаланиш самарадорлиги контекстида, нафақат энергия истеъмолчи тузилмасининг тармоқли таҳлилига, балки саноат маҳсулотининг бевосита ҳар бир тури, ишлаб чиқариш физик ҳажми бирлигига энергия сарфи

тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган кўрсаткичлар асосига ҳам таяниши лозим. Бундай ёндашиш ўсиш потенциали ҳамда захираларни, келгуси тенденцияларнинг янада аниқ прогнозини аниқлаш ҳамда жорий тенденциялар таҳлили учун асосни шакллантириш имконини беради.

3-саҳифага қаранг. ➡



Сенат кўмиталарида

ЮКСАК ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кунин кеча Олий Мажлис Сенатининг қатор кўмиталари йиғилишлари ўтказилиб, уларда парламент юқори палатаси навбатдаги ялпи мажлисидан ўрин олган масалалар муҳокамадан ўтказилди. Эътиборлиси, ҳар бир масала сенаторлар томонидан юксак дахлдорлик ҳисси билан кўриб чиқилди.

Мувофиқликни баҳолаш қондалари бузилишининг олди олинади

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклигини таъминлаш масалалари кўмитаси йиғилишида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун атрофида таҳлилдан ўтказилди. Кайд этилганидек, мазкур қонун мувофиқликни баҳолаш қондалари бузилишининг олдини олиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш идораларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан техник регламентлар талабларига мос бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарилишига, шу билан бирга, маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга ҳам зарар етказилишига сабаб бўладиган омиллар учун жавобгарликни белгиловчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сўнгра кўмита аъзолари томонидан “Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга оширишнинг учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокамага тортилды.

Ушбу қонун билан теле ва радиоканалларга, шунингдек, уяли алоқа виртуал операторларига ўз фаолиятини амалга оширишлари учун тўлайдиган давлат божи миқдорлари камайтирилиб, уларга кенг имкониятлар яратиб берилган. Хусусан, уяли алоқа виртуал операторлари (провайдерлар) томонидан радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларини қўрсатганлик учун тўланадиган йиллик давлат божи миқдори ҳам камайтирилди.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар бу каби имкониятлар келажакда алоқа ҳамда теле ва радиоканаллар орқали эфирга узатилаётган медиа маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

Солиқларни камайтиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий-иқтисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция саложиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тад-

биркорларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш, инфратузилмавий шарт-шароитларни яратиб бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудуднинг иқтисодий ва иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштириш мақсадида 2022 йил 31 августда “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновация технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинган эди. Бу эса қўшимча чора-тадбирлар кўриш заруратини юзага келтирди.

Шундан келиб чиқиб, янги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олинандиган солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғини 2028 йил 1 январга қадар 50 фоиз камайтиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда белгиланаётди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидagi нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эллик мутахассислар (ўқувчилар) 2027 йил 1 октябрга қадар консултик йиғимини ҳамда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун ундирилган давлат божини тўлашдан озод қилинишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилган.

Тадбирда ушбу имтиёзлар ҳудуд инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ва соҳа ва тармоқларни яратиш, пировардида аҳолининг фаровонлигини таъминлаш ҳамда таълим жараёнини янада жадаллаштириш мақсадида олиб бориш, янги педагогик технологияларни миллий таълим тизимига интеграция қилишда муҳим омили бўлиши алоҳида ургунди.

Йиғилишда “Экология ва жомоат тартибини сақлаш соҳаларида қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўрилды.

Томчилатиб сугориш технологиялари йўлга қўйилмаган

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди.

Келтирилганидек, шу йилнинг биринчи чорагида жами 1,6 млрд. м³ сув иқтисод қилинган. Айни чоғда белгиланган устувор вазифалар ижроси билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам мавжуд. Масалан, жорий йилда ҳудудларда 300 минг гектар, шундан 253 минг гектар томчилатиб, 25 минг гектар ёмғирлатиб ва 23 минг гектар дискретли сугориш тизимларини жорий қилиш белгиланган ҳолда режалаштирилган 157 минг гектар пахта майдонидан 108 минг гектарда томчилатиб сугориш технологиялари йўлга қўйилмаган.

Пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш учун 3,5 трлн. сўмлик пудрат шартномалари расмийлаштирилган. Бироқ 1,1 трлн. сўмлик кредит ҳужжатлари банкларга тақдим этилган ҳолос.

Йиғилишда, шунингдек, қилшок ҳўжалиги экинлари уруқчилигини модернизация қилиш ҳамда қилиш инновация технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Республикада юқори унумдор, сув билан таъминланган 61 та субектнинг 1200 гектар майдони сабзавот, полиз, мойли, дуққақли, озуқа ва бошқа экинлар уруқчилигига ихтисослаштирилган бўлиб, бу борада айрим муаммолари масалалар мавжуд.

Хусусан, “Ўздонмахсулот” АК томонидан 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехини Уруғчиликни ривожлантириш маркази тизимига ўтказиш кўзда тутилган бўлса-да, ҳозиргача бор-йўғи 4 та утказиб берилган. Уруғчилик саралаш, тозалаш, доғриш ва қадқоқлашнинг замонавий технологияларини харид қилиш ва биноиншоотларини қуриш бўйича 13 та лойиҳанинг тендер танлови ўтказилмаган.

Сенаторлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Манфаатлар тўқнашувига доир масалалар оидинлаштирилмоқда

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида коррупциянинг олдини олишга йўналтирилган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сенаторларнинг айтишича, айрим қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунириш берилган бўлса-да, давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари белгиланмаган, соҳада ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган мавжуд эмас, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш амалиёти йўлга қўйилмаган. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ҳодимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган бўлса-да, қонунчилик ҳужжатларида жавобгарлик масалалари назарда тутилмаган.

Янги қонун юқоридаги муаммоларни бартараф этиш билан бирга, коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган билан аҳамиятли ҳисобланади.

Қонун билан “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ва уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилган. Муҳими, давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар белгиланмоқда.

Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлиналари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг амалга оширадиган органлар сифатида мустаҳкамланмоқда.

Бу ҳўжат манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг аниқ қонуний механизмини белгилаш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда давлат назор-

ратини амалга ошириш ва яна бир қатор муаммоларни ҳал этишда қўл келади.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари қандай қўллаб-қувватланмоқда?

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида Андижон ва Фарғона вилоятларида Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жами 210 та Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилган бўлиб, уларда 2 минг 272 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ишга туширилган қиймати 2,1 трлн. сўмлик 9111 та лойиҳада 21 минг 589 та иш ўрни яратилган. Масалан, Андижон вилоятидаги 19 та Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасида умумий қиймати 437,2 млрд. сўмлик 479 та лойиҳа ишга туширилиб, 7 минг 152 та иш ўрни очилган.

Фарғона вилоятида эса 24 та Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасида умумий қиймати 149,6 млрд. сўмлик 60 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 250 та иш ўрни ташкил этилган.

Ёш тадбиркорлар бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан Андижонда 34,6 млрд. сўм, Фарғонада 2,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Муҳокамалар давомида сенаторлар томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Жумладан, амалдаги тартибга кўра Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналари қилшок ҳўжалигига фойдаланишга йўл қўйилмаган. Айрим туманларда эса бундай иқтисодий ҳудудлар сугориладиган ер майдонларида жойлашган, уларнинг ер тоифасини ўзгариштириш, бош режасини тасдиқлаш ва қадастр ҳужжатлари билан таъминлаш зарурлиги ҳам айтилди.

Республика бўйлаб инфратузилма объектлари учун 2023 йилда 125,6 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, айни пайтда фақат 8,2 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган ҳолос. Натijaда ҳудудлардаги Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналаридаги инфратузилма объектларидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунга етказилмаган.

Бундан ташқари, кичик sanoat, ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида ер ва бино-иншоот муносабатларини тартибга солиш, жумладан, уларни хусусийлаштириш масалалари бўйича меъёрий ҳўжат қабул қилинмаган.

Шунингдек, айрим Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналарига аввалдан мавжуд бўлган йирик тадбиркорлик субъектлари жойлаштирилганга ҳам эътибор қаратилди. Ваҳоланки, ёшлар sanoat зоналари айнан ўғил-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг sanoat ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги “стартап” лойиҳалари, ташаббус ва гоёларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган.

Йиғилишларда қўрилган масалалар юзасидан Сенат кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Боку шаҳрида Озарбайжон Милли Мажлиси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Парламент ассамблеяси (ПА) билан ҳамкорликда ташкил этилган “Яшил” иқтисодий, узаро боғлиқлик ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда миллий парламентларнинг роли” мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашди.

Анжуманга ЕХХТ минтақасининг 27 давлати парламентлари аъзолари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари тақлиф этилди.

Дастурга мувофиқ тадбир “Барқарор ривожланиш ва иқтисодий тиклашда “яшил” концепция ва технологияларнинг ўрни” ҳамда “Барқарор ривожланиш учун халқаро транспорт ва савдон ишга солган ҳолда иқтисодий рағбатлантириш орқали таъминот занжирлари барқарорлигини мустаҳкамлаш” мавзусидаги панель сессиялар доирасида ўтказилди.

Уларда “яшил” иқтисодиётга ўтиш бир қатор масалаларни ҳал этишда муҳим омили бўлиши, “яшил” технологиялар эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишда самарали ечим экани таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда миллий парламентлар аъзолари томонидан халқаро транспорт ва савдон енгиллаштириш орқали таъминот барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари ҳамда барқарор ривожланиш ва иқтисодий тиклашда “яшил” концепция ва технологияларнинг роли кенг муҳокама

қилинди. Ҳамкор мамлакатлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш доирасида қўшма ташаббусларни илгари сурши лозимлиги, бунда “яшил” иқтисодий келажакдаги инқирозларга нисбатан чидамлик бўлиш имкониятини кенгайтириши ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзоси, сенатор Қобул Турсунов Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар, хусусан, “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсиш таъминлаш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида батафсил маълумот берди. Айни чоғда “яшил” иқтисодий рағбатлантириш, “яшил” ўсиш тамойилларини жорий этиш, Ўзбекистон иқтисодий тармоқларида иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришга қаратилган савий-ҳаракатлар билан анжуман иштирокчиларини яқиндан таништирди.

Анжуман якунида иқтисодий ва экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт МАҲАЛЛАР ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари Шўҳрат Чўлпиев Шайхонтоҳур тумани “Эшонгузар” ҳамда “Қамолон” маҳалла фуқаролар йиғинларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Жараёнга халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтоҳур тумани Кенгашалари депутатлари, тегишли ташкилотлар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари ҳам жалб этилди.

Маълум бўлишича, шу кунга қадар “Эшонгузар” МФЙдаги 13 та хонадонда, “Қамолон” МФЙдаги 4 та хонадонда қуёш панели ўрнатилган бўлиб, бу оилалар муқобил энергиядан унумли фойдаланиб келмоқда. Сенатор тегишли мутасаддилар билан суҳбат чоғида қуёш панеллари самарадорлиги ва афзалликларидан келиб чиқиб, бу борадаги савий-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратди.

Ўрганиш давомида “Қамолон” МФЙда қуёш панеллари ўрнатилган биринчи гуруҳ ногиронлиги

бўлган Ж. Аҳмадхўжаев ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъмирланаётган Ж. Ишонхўжаевнинг хонадонлари кўздан кечирилди.

Шунингдек, сенатор “Эшонгузар” МФЙда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизиқди. Хусусан, маҳалла тасарруфидagi бинони ижарага олиб, 27 нафар аёлни тикувчиликка жалб этган фақс тартибдаги тадбиркор Ф. Саъдуллаев билан мулоқот қилди. Ҳудуддаги ўрганишлар давомида маҳалла фаоллари томонидан оқова сув тизимини яхшилаш, газ босимини кўтариш, эскирган симёғочларни алмаштириш ҳамда маҳалла биносига қўшимча бино қуриш каби масалалар ҳам кўтарилди.

«Халқ сўзи».

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўтган йиллар давомида автомобиль йўлларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор янада кучайтирилиб, тизимдаги Автомобил йўллари илмий-тадқиқот институти томонидан ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида ишлаб чиқилган амалдаги бир қатор стандартлар қайтадан ишлаб чиқилди ва соҳага татбиқ қилинди.

Йўл қурилишида шаффоқлик мезонларини жорий қилиш мақсадида соҳага тегишли маълумотларни ўз ичига олган “Shaffof yo!” онлайн ахборот платформаси ишга туширилди. Ушбу платформада автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектиларининг интерактив онлайн харитаси ишлаб чиқилган, унда автомобиль йўли участкасида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати ҳақида фуқаролар томонидан изоҳ қолдириш имконияти ҳам яратилган.



2023 — 2027 йиллар давомида республика бюджетига маблағлари ҳисобидан жами 92183 км. автомобиль йўллари, 1532 тадан ортиқ кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Йиғилишда депутатлар автомобиль йўллари соҳасида буюртмачи, назорат ва ҳўжалиқ функцияларини аниқ чегаралаш, соҳага хусусий пудрат корхоналарини кенг жалб қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, йўл қурилиши

корхоналарида меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва сифатини ошириш, рақамли ечимларни жорий этиш, молиявий оқимларни мақбуллаштириш ҳамда автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига хусусий корхоналарни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни охирига етказиш зарурлиги айтилди.

Мажлисида депутатлар парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофчила маълумотлар тақдим этилганини эътироф этдилар ва вазирининг жавобига маълумот учун қабул қилинди.

Фикр ва муносабатлар

Анвархон ТЕМИРОВ,

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси:

— Парламент сўровини юбориш кўмитамизнинг ташаббуси эди. Депутатларимиз томонидан мазкур ташаббус қўллаб-қувватланиб, жорий йилнинг 15 мартда Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Парламент сўровида куйидагилар акс этган — йўл инфратузилмасини яхшилаш, соҳага илгор хорижий стандартларни жорий этиш билан боғлиқ ҳолат, соҳани замонавий кадрлар билан таъминлаш борасидаги муаммолар, уларнинг бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, “Shaffof yo!” онлайн ахборот платформасининг тўлиқ ишга туширилмаганиги сабаблари.

Биз кўмитамизда Ўзбекистон транспорт ва-



зирининг мазкур саволларга жавобини дастлабки тарзда кўриб чиқдик. Айтиш кераки, вазир бизнинг сўровимизга жиддий эътибор қаратган.

Хусусан, парламент сўровига жавоб тайёрлаш учун махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, олиб борилган ишлар юзасидан чуқур таҳлиллар қўрилгани маълум бўлди. Албатта, кўп ишлар қилингани эътирофга лойиқ. Шу билан бирга, ҳали тизимда ечимини кутаётган муаммолар мавжуд бўлиб, бу ҳақида Қонунчилик палатасининг қарорида алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўрол ҲОЗИЕВ,

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси:

— Парламент сўровига жавоб муҳокамаси давомида шунга амин бўлдики, соҳада кўп ишлар қилинган. Шу билан бирга, қарамасдан йўлларнинг хозирги кундаги ҳолатини фойдаланувчилар тўла-тўқис рози эмас.

Албатта, мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг сони кўндан-кўнга ошиб, ло-

гистика ривожланмоқда. Аҳолининг фаровонлик даражаси ўсиб борагани сари, шахсий транспортлар сони кўпаймоқда.

Бундан ташқари, юк ташувчи техникаларнинг тури, сони ва қатновни ортгапти. Бу эса йўл инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича ишларни янада жадаллаштиришни талаб қилади. Шунинг учун биз мажлисида масъул кўмитага бу борадаги эътибор қаратиш лозим бўлган тавсияларимизни бердик.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,

Инновация ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси:

— Автомобиль йўллари соҳасида мутлақо янги очиклик стандартларини жорий этиш ва шаффоқликни таъминлаш, соҳада жомоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида “Shaffof yo!” онлайн ахборот платформаси ташкил этилгани эътиборга молик.

Ушбу рақамли платформанинг қулайлик жиҳатлари кўп. Биринчидан, масъул ваколатли органларда қурилиш йўл инфратузилмасига оид муносабатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишда реал вақт режимида ички йўлларнинг ҳолати ҳақида маълумот олиш имконияти яратилди.

Иккинчидан, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш

объектиларининг интерактив онлайн харитаси шакллантирилиб, бу ишлар олиб бориш зарурати, қисқа асосномаси, ажратилган маблағ ва унинг манбаси шаффоқ кўриб туриди.

Депутатлар мазкур платформани тўлиқ ишга тушириш, дастурий ишланм

Ўрганиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари Президентимизнинг "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улущини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижро этилиш ҳолатини Самарқанд вилояти мисолида назорат-тахлил тартибда ўрганди.

Бугунги кунда вилоят туманларида фермер хўжалиқлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта-ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин сув таъминоти яхши бўлган ерлар ҳисобидан фуқароларга очик электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида 7 586 гектар ер майдони ажратилиши белгиланган.

"E-auksion" электрон танлови орқали деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ажратилган ер майдонларида 2023 йил ҳосили учун асосий майдонларига 16159 гектар қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режалаштирилган. Шундан 848 гектар сабзавот, 450 гектар полиз, 1134 гектар картошка, 5670 гектар дуққаки ҳамда 857 гектар мойли экинлар жойлаштириш назарда тутилган.

Айни чоғда танлов голибларига ажратилган ер майдонларида "бир контур — бир маҳсулот" тамойили асосида жами 15514 гектар ҳар жил турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилди, шундан 5974 гектар дуққаки, 659 гектар мойли, 7438 гектар сабзавот, 308 гектар полиз экинлари ҳамда 1134 гектар картошка экилган.

Ўрганиш давомида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналарга ер майдонида кичик интенсив богдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуққаки, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун кредитлар ажратиш ҳолатлари ҳам таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳ вакиллари кичик интенсив богдорчилик, узумчилик, полиз, дуққаки, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳолатини ўрганиш чоғида қатор ижобий ишлар қилинганга гувоҳ бўлдилар. Хусусан, 2022 йилда жами 7021 гектар майдонда, шу жумладан, 3673 гектар богларда, 2909 гектар тоқзорлар ва 439 гектар полиз ҳамда сабзавот экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар жорий қилинган.

Депутатлардан таркиб топан ишчи гуруҳ аъзолари Булунгур туманида деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ҳам қўлидан кечирди. Тумандаги "Зарафшон" ва "Шавот" МФЙ аҳоли вакиллари асосан деҳқон хўжалиги учун ажратилган ерлардан картошка етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Бугун аҳоли ўз томорқасидан унумли фойдаланиб катта даромад қилипти, ишиси фуқароларга ҳам ўз томорқасидан самарали фойдаланишлари учун иссиқхоналар имтиёзли кредит асосида қуриб бериляпти. Бу орқали эса қишлоқ аҳолисининг фаровон турмуши таъминланмоқда.

Шунингдек, қўмита аъзолари "Давлат-хусусий шериклик асосида худудларда замонавий иссиқхона хўжалиқларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг ижро этилиш ҳолатини ҳам Самарқанд вилояти мисолида назорат-тахлил тартибда ўрганди.

Ўрганишларда маълум бўлдики, жорий йил давомида вилоятдаги мавжуд 126 та "Томорқа хизмати" МЧЖ томонидан 8 950 та аҳоли хонадонларининг 1169 гектар ерлари шудгорланган, 7,9 тонна уруғлик, 156,6 минг тул мевали кўчат, 3 561 та хонадонга пиёз ва саримсоқпиёз уруғлари етказиб берилган.

Шунингдек, 1,2 минг хонадонга иччам иссиқхона қуриб берилган, 286 та хонадонга асалари уялари, 237 та хонадонга қуён, 27 та хонадонга эчки, 327 та хонадонга қорамол ва қўй етказиб берилган. 2023 йилда аҳоли хонадонларидан 12 443 та иччам типдаги иссиқхоналар қурилиши белгиланган. Бугунги кунда 112,8 гектар майдонда 7 520 та иссиқхоналар ташкил қилинган.

Аҳоли хонадонларида ташкил қилинган 63 115 та иссиқхонанинг 493 гектарида сабзавот, 157 гектарида кўкатлар, 57 гектарида лимон ва бошқа цитрус мевалар экиб келинмоқда. Ушбу майдонлардан йилга 14 420 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти.

Энг муҳими, томорқачиликни ривожлантириш бўйича яратиб берилаётган имкониятлар ва шароитлар асосида жорий йилда томорқа ҳамда иссиқхона хўжалиқларида ўзини ўзи банд қилиш орқали 38,9 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Ўрганиш давомида аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданияти ҳам депутатлар эътиборида бўлди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА МУАММОЛАРГА ТЕЗКОР ЕЧИМ ТОПИЛДИ

— Ўқув маркази ва тикувчилик цехи очиб, 40 нафарга яқин ногиронлиги бор фуқароларни иш билан таъминладик, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Шавкатжон Бозоров. — Орадан кўп ўтмай, фаолиятимизга тўқсанликлар бошланди. Муаммага батафсил тўхтамайман, лекин тадбиркор сифатида прокуратура бизнинг ҳаққий қўмакчимиз бўлганини алоҳида таъкидлашим мумкин. Уларнинг ёрдами билан қисқа кунларда фаолиятимизни қайта йўлга қўйиб, келгусида янада кенгайтиришни ўйлаб турибман.

Ички ишлар вазирлиги томонидан соҳа масъуллари иштирокида аҳолининг муурожаатларидан келиб чиққан ҳолда, 29 нафар пробаация ҳисобида туриб тузалши йўлга ўтган шахсларни муудатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш учун ўрнатилган тартибда тегишли судларга тақдимномалар киритилди, 13 нафар суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларидан норози фуқароларнинг муурожаатлари қаноатлантирилди, 8 нафар соқиб ҳодимлар ички ишлар органларига қайта ишга тикланди ҳамда ички ишлар органларига хизматга кириш истагини билдирган 24 нафар фуқароларга навбатдаги танловда қатнашишга ружуат этилди.

Жиззаҳ вилояти Шароф Рашидов туманида яшовчи А. Муқимов ва Х. Муқимованинг масаласи ҳам шу ҳақда эди. Улар икки йил прокуратура инспектори вазифасида фаолият кўрсатган ўғлининг ўтган йил ноҳақ ишдан бўшатилганини билдирди, уни ишга тиклашда вазирдан қўмак сўради. Вазира муурожаатчиларни эшитиб, масалани ўрганиб чиққан ҳолда хулоса берилишини билдирди. Сурхондарёлик Мансур Шукуров 12 йил, самарқандлик Бекмирза Баходиров эса 13 йил дагандан яна ўз касбига ишга қайтадиган бўлди.

Оммавий қабул давомида Солиқ қўмитаси мутасаддиларига ҳам кўпала муурожаатлар бўлди. Уларнинг баъзилари ижобий ҳал қилинган бўлса, ўрганиш талаб этилганларини назоратда олинди. Шунингдек, айрим муурожаатлар бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокими, бошқарма ва идоралар масъуллари ҳам шу ерда қайд этилган идораларга тегишли бўлмаган муурожаатлар бўйича жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилди. Уларни қийнаб келаятган муаммо ва масалалар эшитилиб, ҳар бир муурожаатни қўнун доирасида ҳал этиш бўйича масъулларга тегишли қўрсатмалар берилди.

Хуллас, Ишхондаги оммавий қабулда кўриб чиқилган жами 2 294 та масаланинг 1 033 таси жойида ҳал қилиниб, 87 нафар муурожаатчиға ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 1 174 та масала назоратга олинди.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).



Иқтисодиётнинг электр энергетика тармоғи барча тизим ҳамда соҳалар ривожланишида асосий вазифани бажаради. Шу маънода, бугун мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришда барча манбадан фойдаланилмоқда. Мавжуд қувватларни мустақамлаш билан бирга, муқобил энергия иншоотлари барпо этилмоқда.

Аслида ҳам, мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун, биринчидан, энергетика саноати мустақил; иккинчидан, энергия ресурслари захираларига эга; учинчидан, энергетика саноати замонавий бошқарувга асосланган; тўртинчидан, соҳа замонавий технологияларга эга ва ундан самарали фойдаланиш даражаси юқори бўлиши зарур.

Қолаверса, мамлакат иқтисодиётида энергетика саноати ёқилғи энергетика комплекси (ЁЭК)нинг ажралмас қисми бўлиб, унинг нафақат ички, балки ташқи иқтисодиётнинг ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. ЁЭК иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тўртдан биридан кўпрогини таъминлайди, бюджет даромадларининг 50 фоизини ташкил этади.

Нуқтаи назар

Мамлакат энергетика тармоғини тартибга солиш ва самарали бошқариш орқали бутун миллий иқтисодиётнинг ўсиши ва қолган тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Бунинг учун энергетика тармоғини ривожлантириш борасидаги қўнун ва қарорларни қабул қилишда илгор хориж мамлакатлари тажрибаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Энергетика соҳасини ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан охириги йилларда бир қанча Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, улар мақсул йўналишда рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш, электр энергияни ишлаб чиқариш, магистраль линиялар орқали узатиш ҳамда худудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан тақомиллаштириш учун хизмат қилмоқда.

Тахлилларга кўра, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадамлар ташланмоқда. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам яхшиланиб, бунинг учун эса қўшимча электр энергия талаб этиляпти. Ва айни чоғда, сир эмаски, юртимизда электр энергияни ишлаб чиқариш, магистраль линиялар орқали узатиш ҳамда худудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг умумий муаммолари мавжуд.

Хўш, булар нималардан иборат? Биринчидан, электр энергияни ишлаб чиқариш, магистраль линиялар орқали узатиш ва худудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳаларида кадрлар салоҳияти қониқарсиз ҳолатда. Электр энергетика тармоғининг барча бўғинида кадрлар етиштириб бериш, уларнинг малакасини ошириш тизими (ўрта бўғиндаги кадрларни — маҳаллий малака ошириш институтлари, юқори бўғиндаги кадрларни хорижий давлатларда) тўғри йўлга қўйилмаган.

Иккинчидан, электр энергияси бўйича нарх (тариф)ларни белгилаш бозор тамойиллари асосида (иқтисодиёт тармоқлари бўйича табақалаштириш асосида) амалга оширилиши лозим. Шунингдек, электр энергияни ишлаб чиқариш, магистраль линиялар орқали узатиш ва худудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг бошқариш тизимида ҳозиргача эски тамойиллар сақланиб қолмоқда.

Рақобат муҳитини яратишда жаҳон тажрибаси

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакат электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини шакллантириш, барқарор ривожланиш ва давлатнинг энергия хавфсизлигини таъминловчи интеграция зарур. Шу билан бирга, давлатларара қондаларнинг қабул қилиниши мамлакатлар ўртасида энергетика тизимидаги ҳамкорлик икки томонлама ҳал этилиши давлатларара ҳамкорлик доирасида эришилган келишуларга нисбатан янада самарали натижаларга эришиш имконини яратяди.

Бугунги кунда электр энергияни рақобатбардош бозорга киритиш даражасига кўра, электр энергетика бозорини қайта қуришни амалга оширган мамлакатларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Масалан, Европада электр бозорида рақобат муҳитини яратишнинг энг илгорлари Буюк Британия, Финляндия, Германия, Норвегия, Швеция ва Испания ҳисобланади. Австрия, Нидерландия, Бельгия, Дания, Италия, Португалия, Франция, Швейцария ўзгариш жараёнида. Лотин Америкаси худудида Чили, Аргентина ва Бразилия рақобатбардош бозорини шакллантиришда энг катта ютуқларга эришди. Рақобат учун энг катм очик бўлган Франция, Италия, Португалия ва Грецияда электр энергия саноатида, асосан, марказлашган бошқарув сақланиб қолмоқда. Аммо шундай бўлса-да, истеъмолчиларнинг 30 фоиздан кўпроғи етказиб бериувчини танлаш ҳуқуқига эга.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, саноатда тузилмавий-технологик ўзгаришлар ҳамда рақобатбардошлиқнинг таҳлили, энергиядан фой-

даланиш самарадорлиги контекстида, нафақат энергия истеъмоли тузилмасининг тармоқли таҳлилига, балки саноат маҳсулотининг бевосита ҳар бир тури, ишлаб чиқариш физик ҳажми бирлигига энергия сарфи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган кўрсаткичлар асосига ҳам таъиниши лозим. Бундай ёндашиш ўсиш потенциали ҳамда захираларни, келгуси тенденцияларнинг янада аниқ прогнозини аниқлаш ҳамда жорий тенденциялар таъ-

тузилманинг хусусиятларига кўра, барча иштирокчи давлатларда алоҳида боғловчи юқори вольтли электр линияси ҳамда умумий бозорни яратиш лойиҳаси доирасида қурилан.

Интеграциянинг иккинчи модели минтақавий бозорларни бирлаштиришга асосланган умумий энергетика бозорини яратишни ўз ичига олади ва ҳозирда бу лойиҳа Европа мамлакатлари ҳамда АҚШда амалга оширилмоқда.

ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

аҳоли фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади

Комплекс ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурати

Мамлакатимиз энергетика тармоғида бошқаришни тақомиллаштириш учун соҳадаги барча муаммони аниқлаш ва уларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, зарур тақлифлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, энергетика сисёатининг асосий мақсад-вазифаларини аниқлаш, ёқилғи ва энергетика соҳаларини бошқариш объектлари бўйича комплекс ёндашувлар ишлаб чиқиш зарур.

Айни чоғда юртимиздаги энергетика тармоғида фаолият олиб бо-

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, саноатда тузилмавий-технологик ўзгаришлар ҳамда рақобатбардошлиқнинг таҳлили, энергиядан фойдаланиш самарадорлиги контекстида, нафақат энергия истеъмоли тузилмасининг тармоқли таҳлилига, балки саноат маҳсулотининг бевосита ҳар бир тури, ишлаб чиқариш физик ҳажми бирлигига энергия сарфи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган кўрсаткичлар асосига ҳам таъиниши лозим. Бундай ёндашиш ўсиш потенциали ҳамда захираларни, келгуси тенденцияларнинг янада аниқ прогнозини аниқлаш ҳамда жорий тенденциялар таҳлили учун асосни шакллантириш имконини беради.

ларини пасайтириш (Буюк Британия, Аргентина, Австралия), саноат самарадорлиги ва ривожланишини ошириш орқали, инвестицияларни жалб қилиш зарурияти (Бразилия, Аргентина), мамлакатнинг турли минтақаларида (АҚШ, Норвегия ва бошқалар) электр энергия нархидаги фарқни юмшатиш, тўлиқ хусусийлаштириш фақат учта мамлакатда (Чили, Буюк Британия ва Аргентина) амалга оширилган ва икки мамлакатда (Перу ва Австралия) амалга ошириш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

МДХ мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам электр энергия тармоғи давлат томонидан молиялаштирилади ҳамда бошқариб келинади. Халқара амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, умумий энергетика бозорини ташкил этишнинг иккита асосий модели мавжуд. Биринчи модель — SIEPAC лойиҳаси доирасида Марказий Америка мамлакатларида (Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа, Панама ва Сальвадор) амалга оширилди. Бу бозорнинг тузилиши электр энергиясини ишлаб чиқарувчи инфра-



ларни жалб қилишда лизинг шартномалари асосида сотишни тездлаштириш; соҳада рақобат муҳитини шакллантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш; электр энергияни ишлаб чиқарувчи станцияларда давлат томонидан молиявий қўмақлашиш механизмларини тақомиллаштириш лозим.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ бўйича эса республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича тарифларни камайтириш механизмларини, қолаверса, электр энергияни республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатларара транзитини самарали амалга оширишни тақомиллаштириш, электр энергияни экспорт ва импорт ҳамда қўшни давлатларнинг электр энергетика тармоғи билан ҳамкорлик қилишда халқара стандартларга риоя этиш тизимини ишлаб чиқиш, қуёш, шамол ҳамда гидроэлектростанцияларни бошқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда ишлаб чиқарилган электр энергияни самарали узатиш мақсадга мувофиқдир.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ бўйича ҳам электр энергия истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини хориж тажрибалари орқали тақомиллаштириш; электр энергиядан оқилонга фойдаланишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини ошириш юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; энергия ресурслари учун ҳисоб-китобни таъминлаш тизимини комплекс таҳлил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш; тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни ўрганиш ва қарор қабул қилиш бўйича бетараф ҳисобланган ваколатли бошқарув тизимини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Навбатдаги устувор вазифалар

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Муурожаатномасида энергетика соҳасида қилишни лозим бўлган ишлар алоҳида таъкидланиб, зарур вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Умуман олганда, бугунги кунда тизим олдида турган мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан бирга, хорижий тажрибани ўрганиш ва давлатимиз раҳбари белгилаб бераётган устувор вазифалар ижроси нафақат халқимиз фаровонлигини таъминлаш, балки Ўзбекистон тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Машал САИДОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.

Таҳлил

Она заминимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам юзлаб табиат ноз-неъматлари етиштирилади. Ҳатто киши фаслида ҳам бозорларимиздан сархил мева-сабзавотлар, кўкатлар узилмайди. Асосийси, улар экологик софлиги, соғлиқ учун фойдалилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам табиий дармондориларга бой меваларимиз жаҳон бозорида ҳамма харидоргир.

Бу борада аграр тармоқлар, хусусан, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик соҳасида амалга ошириляётган ҳаётбахш ислохотлар, ота-боболардан мерос ҳаётини тажрибалар,

илм-фан ютуқлари, инновацион ғоя ва технологиялар самараси сифатида кейинги йилларда ушбу йўналишларда қувонарли ютуқларга эришиляпти. Натижада мазкур соҳалар фаолияти замонавий мезонлар асосида такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, тармоқларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича ютуқлар бардавомлиги таъминланяпти.

Бу эса бозорларимизда йил бўйи тўқинлик, нарх-наво меъёрида бўлишига, пировардида аҳоли турмуши янада юксалишига хизмат қилаётир.

СЕРҚУЁШ ЮРТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВАЛАР

жаҳон бозорида харидоргир ва бренд мақомига эга

Бу йил боғларда тўқинлик...

Бугунги кунда мева-сабзавотчилик ва полизичлик аграр соҳанинг энг сурдари мад тармоқларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотга кўра, бугунги кунда юртимизда 342,5 минг гектар мевали боғлар бор. Унинг 250,7 минг гектари фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари тасарруфиди бўлса, қолгани аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўри келади.

Бу йил мамлакатимизда 3 миллион 146 минг тонна мева етиштириш режалаштирилган. Энг кўп етиштириладиган мева олма, ўрик, гилосдир. Шунингдек, боғларда шарбатга тўлиб пилган меваларимиз таркибиди шафтоли, олхўри, нок, беҳи, хурмо, олчанинг улushi ҳам салмоқли ҳисобланади.

Корақалпоқ диёри саховати

2020 — 2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасида 30 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу кластерлар тасарруфиди 13 минг 241 гектар ер майдонлари мавжуд.

Кластерлар фаолияти йўлга қўйилгандан кейин Қорақалпоғистонда маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари ортди ва экспорт салоҳияти юксалди. Мисол учун, 2019 йили Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 20 минг 260 тонна маҳсулотни қайта ишлаш, 1 200 тонна сақлаш қувватлари мавжуд эди. Мева-сабзавотчилик экспорти 1,1 млн. доллари ташкил этарди.

Ҳозирги кунда жаҳон бозорида тайёр



инвестиция жалб этилиб, 400 та иш ўрни яратилди. Йилига 10 минг тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар ўрнатилди ҳамда 500 тонна сигимга эга музлаткичи омборхона фойдаланишга топширилди.

Бу йил лойиҳа доирасида 1 гектар майдонда гидропоника усулида янги турдаги иссиқхона барпо этиш, совитқичли замонавий юк автомашиналари сотиб олиш, ишлаб чиқариш тармоқлари, совитқичли омборхоналар сигимини янада кенгайтириш мақсадида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Кластерлар соҳа драйвери

Андижон вилоятида ташкил этилган 14 та мева-сабзавотчилик кластерлари то-

нида "Навигул" ҚК мева-сабзавотчилик кластери томонидан 500 гектар эски боғлар янгидан ташкил қилинди ва тўлиқ сув тековон технологиялар жорий этилди. Шунингдек, 6 гектар ерда замонавий иссиқхоналар очилди. Корхона томонидан ушбу ишларни амалга ошириш натижасида 250 та доимий ва 1 200 та мавсумий иш ўринлари яратилди.

Утган йили корхона томонидан салкам 20 минг тонна мева-сабзавот етиштирилиб, 2,6 млрд. сўм даромад олинди. Бу йилги режалар янада улкан. Биргина боғ қатор орасидан самарали фойдаланиш мақсадида 1,5 гектарда саримқоқлиёв ва 100 гектарда плёнка остига булғор қалампери, қарама, бақлажон, исмалоқ экилган.

Шунингдек, кластер корхонаси томони-

Бунинг самараси сифатида фермер ҳўжаликлари ва аҳоли томонидан маҳсулот етиштиришда илм ва амалиётни ўзаро уйғунлаштириш мақсадида кластер корхонаси таркибиди илмий инновацион агромарказ ташкил этилди. Натижада 1 гектар ер майдонидан илгаридаги 8 — 10 тонна ўрнига эндиликда 25 тонна сифатли олма ҳосили олиш имконияти яратилди. 4500 тонналик маҳсулотларни сақлаш қуввати ишга туширилиб, 2,6 млрд. сўм даромад олинди. Шу тариқа корхонада боғлар оватлари (мева-сабзавот пюрелари ва шарбатлари) ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва қадоклаш линияси ишга туширилиб, кўшимча 200 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса 10 млн. долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Амалдаги тартибга мувофиқ, кластер корхонасига меваларни қуриштириш ва қадоклаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация учун субсидия берилади, қуруқ меваларни четга экспорт қилганда ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинади.

Жиззах вилоятининг Бахмал тумани олмаси етти икклимда машҳур. Айни пайтда туманда 7 800 гектарга яқин боғлар бўлиб, унинг 5 210 гектари яқин йилларда яратилган узоқ мuddат сақлашга, ташишга яроқли экспортбўй навлардир.

Бахмаллик фермерлар томонидан 6820 гектар майдонда ўндан зиёид навли харидоргир олма парваришланади. Олма боғларининг ҳосили қилган 2473 гектардан жорий йилда 36597 тонна ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Туманда ҳосилнинг ўртача 45 — 50 фоизи қайта ишлаш корхоналарида топширилади.

"Бахмал Natural Juice" МЧЖ мевачилик кластери раҳбари Умиджон Назаровнинг айтишича, корхона бир йилда 20 минг тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга. Бу йил корхона томонидан 2 минг тонна санаот усулида қайта ишланган олма маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, корхона тасарруфиди мева сақлашга ихтисослаштирилган музлаткичи омборхоналар ҳам мавжуд. Тадбиркор қайта ишлагандан ортган ва яқин ҳудуддаги фермерларнинг ортиқча меваларини сақлаб, қиш-баҳор мавсумида ички бозорга етказиб беради ҳамда экспорт қилади.

Айни пайтда юртимизда **342,5 минг гектар** мевали боғлар бор.

Бу йил мамлакатимизда **3 миллион 146 минг тонна** мева етиштириш режалаштирилган.

Жорий йилда Ўзбекистондан дунёнинг **60 га яқин** давлатларига **1 миллиард 484 миллион долларлик** ҳўл ва қурилган меваларни экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган **1 минг 798 та** музлаткич ҳамда **1 минг 433 та** омборхона мавжуд.

Мамлакатимизда жорий йилда **8 триллион 166,2 миллиард сўм** инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига **869 та** озиқ-овқат саноати лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Этиборлиси, бугунги кунда экспорт таркибиди қурилган мевалар ва қайта ишланган маҳсулотлар улushi ҳам ортиб бораётир. Чунки заминимизда етиштирилган мевалар қуритилганда анги, янада яхшироқ, узоқ сақлаш мумкин бўлган маҳсулотларга айланади. Шу мақсадда мамлакатимизда мева-сабзавот сақлаш учун мўлжалланган 1 798 та музлаткич (қуввати 1 183 173 тонна) ҳамда 1 433 та омборхона (қуввати 427,4 минг тонна) ташкил этилган.

Бу йил юртимиз боғларида, ҳаққатан ҳам, мўл-қўлчилик. Умуман олганда, бу соҳага қаратиляётган эътибор ва рағбат туфайли йилдан-йилга мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш ҳажми ортиб бормоқда, — дейди Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқармаси бошлиги Отажон Пирмонов. — Пилшқичлик мавсумида мевалар нест-нобуд бўлмаслиги учун ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш, ички бозор эҳтиёжини таъминлаш, экспорт қилиш, қайта ишлаш йўналишларида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда барча йўналишларда ана шу режа асосида иш олиб бориляпти.

перация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуқакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой мuddатга кредитлар ажратилади.

Шунингдек, мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдирish учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик "револьвер" кредит ажратиб берилади.

Президентимизнинг 2022 йил 27 апрелдаги "Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой мuddатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан 2022 йилда 300 млрд. сўм, 2023 йилда 400 млрд. сўм бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиб берилади.

ва яримтайёр озиқ-овқат маҳсулотларига талаб сезиларли даражада ортгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса рақобат ошиши ва бозорларга анги тақлифлар билан киришни талаб этиши табиийдир.

Айни жиҳатларни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда кластерлар томонидан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 млрд. 861 млн. сўм миқдориди маҳалли ва хорижий инвестиция маблағлари жалб қилинди. Бунинг натижасида Қорақалпоғистонда мевани қайта ишлаш қуввати 70 фоиз, сақлаш қуввати эса 80 фоизга ошди.

Қувонарлиси, Қорақалпоғистон Республикаси мева-сабзавотчилик кластерининг 2 таси "Giobai G.A.P." ва "ORGANIK" халқаро стандартларига эга бўлди. Бу ушбу диёрда етиштирилган маҳсулотларни аънавий бозордан ташқари Франция, Италия каби Европа давлатларига экспорт қилиш имконини беради.

Жорий йил ҳудудда 80 минг тонна ҳўл ва қайта ишланган мева экспортга, 400 тоннаси қайта ишлашга йўналтирилди. Бугунги кунда шарбатга тўлган боғларда йиғим-терим мавсуми юмушлари қизғин давом этмоқда.

— 280 гектар ерда экспортбўй мева боғлари плантациясини ташкил этганимиз, — дейди "Тўртқўл кунжўти" МЧЖ мева-сабзавотчилик кластери раҳбари Серикбай Раҳметов. — Лойиҳани амалга ошириш учун 1,2 миллион доллар ҳажмида

монидан тармоқ фаолиятини жаҳон андозлари даражасида ривожлантириш учун кейинги уч йилда 28 млн. доллар миқдориди инвестиция жалб этилди. Бунинг натижасида қайта ишлаш қуввати 26 фоизга ҳамда сақлаш қувватини 45 фоиз оширишга эришилди. Тармоқда қарийб 4 минг маҳалли аҳоли вақиллари доимий иш ўрни билан таъминланди.

— Кластерлар мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда соҳа "драйвер"и сифатида намоеён бўлмоқда, — дейди Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти ўқитувчиси Шоирахон Қосимова. — Камрови кенг ислохотлар доирасида 2020 — 2023 йиллар давомида Андижон вилоятида йилига 50 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш, салкам 30 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватлари яратилишига эришилди.

Янгича тизим ва инновация

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги "YANGIKURGAN AGRO INVEST" МЧЖ корхонаси АТ "Агробанк" ва "Алоқабанк"дан маҳсулот етиштириш учун 25 млрд. сўм имтиёзли кредит олиб, маҳсулот хариди бўйича ҳудуддаги 2 105 та аҳоли хонадонлари билан шартнома имзолади. Шу билан бирга, кластер корхонасига Қишлоқ ҳўжалигида хизматлар қўриштириш агентлиги орқали 5 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

...Бугун юртимизда айни пишиқчилик мавсуми. Бобо қуёш тафтидан яйраган боғларимизда табиий дармондориларга бой мевалар ўз вақтида йиғиб-териб олинмоқда. Шу боис бугун бозорларимиздаги мўл-қўлчилик, арзончиликдан кўз қувнайди. Ўз навбатида, ҳосилнинг бир қисми ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб бериляётган бўлса, энг сара, сифатли мевалар хорижга чиқарилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, эндиликда янгилинишлар самараси қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, боғдорчиликда нафақат илм-фан ютуқлари, инновацион ғоя ва технологиялардан унумли фойдаланиш, балки меҳнат, тадбиркорликка муносабат, дунёқараш ва тафаккурдаги ўзгаришларда яқол намоеён бўляпти. Бу борада амалга ошириляётган ислохотлардан қўзланган пировард мақсад ҳам шу аслида.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА

БУХОРОДА ТУРКМАН ГИЛАМЛАРИ ТЎҚИЛМОҚДА

Бухоро шаҳрида "SD-TURKMEN HALY" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона томонидан туркман гиламлари тўқиш йўлга қўйилди.

Интилиш

— Қўл меҳнати маҳсули бўлган бундай гиламларнинг тарихи туркий халқларнинг ўтмиши билан чамбарчарс боғлиқ, — дейди туркманистонлик тадбиркор Солмас Жумаева. — Шу боис корхона қошида бундай гиламларнинг тарихи, бутун жаҳонда донг қозониши ва ўзига хос жиҳатларини акс эттирган музей

ҳам ташкил қилиш ниятидамиз. Туркман гиламлари бошқа минтақалардаги шундай маҳсулотлардан ўзининг нақшлари ва тамоман табиий маҳсулот — қўй жунидан тайёрланган илгар воситасида тўқишчи, қолаверса, дастгоҳлари билан фарқ қилади.

Айнан Бухорода қўлда тўқиладиган шундай гиламлар

ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бежиз эмас. Чунки қўшма кент азал-азалдан ҳунармандлар юрти, деб эътироф этилади. Яқин истиқболда корхонада 500 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда "Устоз — шогирд" аънаеси асосида бухоролик хотин-қизлар хунар ўрганилти. Улар давлат томонидан уч ой мобайнида стипендия билан ҳам таъминланаётир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2023 йил 16 июнь, соат 11.00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2023 йил 12 июнь.

Кун тартибига киритилган масалалар:

- «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
- «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
- «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.
- «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг устав капиталини ошириш.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 824 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6